

## Субхидам

### *Бисмиллахир рохманир рохим*

**«Тонгга касам; (Зул-хижжа ойидаги аввалги) ўн кечага касам»**  
(Вал-Фажр: 1, 2)

Аллох Таолога хамду санолар ва У Буюк Зотнинг Расули хазрати Мухаммад ва у кишининг ахли байт, саҳобалари ва уларнинг тобиийнларига дурудуду салавотлар бўлсин!

Кейин...

Эрта тонг – субхидам барча хайрлик ишлар, покиза хаёт ва галаба рамзидир. У хақиқат ва адолат белгиси бўлгани каби жидди-жаҳд ва навкиронлик аломати хамдир. Тонг вақти энг осуда вақтдир. Унда мусаффо лаҳзалар ва ризки-рўз таксим этиладиган соатлар мавжуддир. Ундаги фажр (бомдод) намози эса, шу пайтда иссиқ ўринни тарк этиш нафса оғир, машаккатли иш бўлгани боис у иймоннинг қуввати ва мунофиқликдан покликка далилдир. Шунинг учун хам, Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилишган ҳадиси шарифда Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам бундай деганлар: **«Мунофиқларга энг оғир келадиган намоз хуфтон ва бомдод намозидир. Улар бу иккисидаги (мавжуд) нарса (кўп ажру-савоб) ни билишганида эди, бу икки (намоз)га эмакляб бўлса хам, келган бўлардилар...»**

#### **• Тонгдаги майин сабо.**

Доктор Абдулхамид Дайёб айтади: «Инсоннинг тонг – сахар чоғи уйғониб, ўрнидан туришида унинг соғлиғи учун жуда кўп фойдалар мавжуддир. Улардан бири тонг пайтида хаводаги "Озон (O<sup>3</sup>)гази" олий даражада жамланган бўлишидир. Бу газ аста-секин камайиб, офтоб чиккач батамом кўтарилиб кетади. Бу газ эса, инсон асабини тинчлантириб, фикрлаш қобилиятини оширишда кўп фойдалидир. Чунки, инсон тонг пайтидаги чиройли эсан, майин "Сабо" насиймидан нафас олар экан, кеча ва кундузнинг бошка соатларида хис эта олмайдиган ажиб бир лаззат, ажиб бир нашъани хис этади». Бомдод намозини жамоат билан адо этиб пайгамбар суннатига биноан намоз ўқиган жойида ёки масжиднинг бирорта деразаси олдида ўтириб эрталабки зикр-дуоларни пайгабар соллalloху алайхи ва салламдан накл қилинган суратда ўқиб ўтирган, куёш чиқиб уфқда найза бўйи кўтарилгач икки ракъат ишрок намозини

ўқиган киши тўла бир хаж савобига эга бўлиши билан бирга ана шу газдан ҳам мўл улушга эга бўлади.

- **Бомдод намозининг икки ракъат суннати.**

Бомдоднинг фарзидан аввал адо этиладиган икки ракъат намоз пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга севиқли амаллардандир, яъни у зоти шарифнинг муаккад суннатларидандир. У зот соллаллоху алайхи ва саллам мархамат киладилар: **«Бомдоднинг икки ракъат (суннат)и дунё ва ундаги нарсалардан кўра хайрли (яхши)рокдир».** (Имом Муслим ривоятлари) Муслимнинг яна бошка ривоятларида: **«Албатта у икки (ракъат) менга дунёнинг хаммасидан кўра махбуброкдир».** Демак, Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам наздларида дунё, ўзида мавжуд нарсалар билан биргаликда хам мана бу икки ракъат суннат намози олдида ҳеч қандай кадрга эга эмас экан. Шундай экан бомдоднинг икки ракъат фарзи қай даражада махбуб эканлигини баён қилишга тил ожизлик қилиши шубҳасиздир.

- **Асло дўзахга қирмагай.**

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: "Бомдод ва аср намозини тарқ этмай ўз вақтида адо этиб юрган киши жаннатга қириб, дўзахдан йирок бўлишини",— баён қилиб айтганларки: **«Қимқи, бардайн (бомдод ва аср) намозини ўқиса, жаннатга қиради».** (Имом Бухорий ривоятлари) Яна айтганлар: **«Қуёш қикмоғидан аввал ва ботмоғидан илғари намоз (яъни, бомдод ва аср намозини) ўқиган шахс асло дўзахга қирмагай».** (Имом Муслим ривоятлари)

Бардайн намози бомдод ва аср намозларидир. Имом Манаавий айтади: «Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам ушбу икки намозни бошка намозларга қараганда шарафлироқ бўлгани учун, ёки бўлмаса, кеча ва кундуз фаришталари (уларни адо этилишига) шохид бўлишадиган намоз бўлгани учун, ёинқи бу икки намоз нафсга малол келадиган, машаккатли, машгуллик пайтида адо этиладиган намоз бўлгани учун хам, мана шундай фазилатлар билан хослаб зикр қилган бўлсалар не ажаб! Зеро, қимқи бу икки намозни ўз вақтида адо этишда бардавом бўлар экан, у албатта қолган намозларни хам, ўз вақтида эдо эта олади. Бундай шахс эса, қилган гунохлари мағфират этилиб жаннатга қиритилишга, дўзахдан йирок этқазилишга лойиқдир». (Файзул Қодийр)

- **Тонг-сахардаги қуръон (яъни, бомдод намози ва ундаги тиловат этилган қуръон)**

Аллох Таоло айтади: **«Куёш огишидан то тун коронгусигача намозни тўқис адо этинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) хам (тўқис адо этинг)! Зеро, тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) хозир бўладиган намоздир».** (Ал-Исро: 78)

Тонг-сахардаги куръон – тонгги ўқиш бу фаришталар хозир бўладиган бомдод намозидир. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам буни баён килиб шундай деганлар: **«Сизларга кечаси ва кудузи фаришталар навбат билан келадилар. Улар бомдод ва аср намози пайтида бир-бирлари билан учрашадилар. Кейин тун билан сизлар ораларингизда бўлганлари (осмонга) чикиб кетадилар. Бас, Аллох Таоло Ўзи била туриб улардан: "Бандаларимни кай ҳолатда тарк этдинглар",— деб, сўрайди. Бас, улар: "Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк этдик ва уларнинг олдиларига намоз ўқишаётган ҳолларида борган эдик",— дейишади».** (Бухорий ва Муслим ривоятлари)

Мунофиқликдан покликка далолат килувчи ҳужжатни кўлга киритиш, жаннатга кириш ҳақидаги пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг башоратларига сазовор бўлиш ва Роббилари ҳузурида ўзлари ҳақларида фаришталарнинг гувоҳлик бериш шарафига нойил бўлишлари учун иссик жойларини тарк этиб, нафсларига қарши курашган бундай кишилар нақадар бахтлидирлар. Ха азизлар! Тонг-сахар Аллох Таолонинг ҳузурида кадри жуда баланд бўлгани боис, У Буюк Зот бу вақт номи билан қасамёд қилган. Аллох Таоло айтади: **«Тонгга қасам; (Зул-ҳижжа ойидаги аввалги) ўн кечага қасам».** (Вал-Фажр: 1,2)

• **Тонг (яъни, Тонг намози – Бомдод) бу мезондир.**

Саҳобайи Киром разияллоху анҳумлар Бомдод номозига хозир бўлишни мезон деб эътибор килиб, кишиларни мана шу мезон билан ўлчар эдилар. Бомдод намозига хозир бўлган кишига ишонишар (яъни, унинг иймони ҳақида шубҳа қилишмас), ушбу намоздан гойиб бўлган киши ҳақида эса, ёмон гумонга боришарди (яъни, у мунофиқмикин деган ёмон гумонга боришарди). Абдуллох ибн Умар разияллоху анҳумо айтадилар: **«Биз қайси бир одамни Бомдод ва Хуфтон намозларида йўқотсак (яъни, Бомдад ва Хуфтонга келмаса, уни кўрмасак) у киши ҳақида ёмон гумон қилар эдик».** (Ибн Хузаймининг саҳих тўплами)

**Хурматли ўқувчи!** Сухбатимизга кўйидаги сўзлар билан яқун ясасак: **«Юқоридаги сўзларимиздан ҳулоса олиб, уни бугунги воқеий ҳаётимизга таккослаб кўрсак: "Жуда кўпчилигимиз Аллох Таолонинг тонг-сахарда бандаларига марҳамат этган неъматларидан маҳрум бўлиб қолаётганимиз",— маълум бўлади. Хар биримиз**

Ўзимизнинг кундалик ҳаётимизга назар ташласак ушбу неъматлардан қай даражада фойланаётганимизни билиб оламиз. Мен ибрат олиш учун ҳозирги кундаги кўпчилик мусулмонларимизнинг ҳаёт тарзларига ишора қилмоқчиман. Бизлар кўпчилигимиз Аллоҳ Таоло танимизга ором бўлиши учун марҳамат этган тунги уйқудан яхши фойдаланмай, ярим кечагача – баъзиларимиз маънисиз суҳбатлашувлар ва баъзиларимиз карта, нарда, шулар қаби фойдасиз ўйинлар билан машгул бўлиб, бошқаларимиз эса юзлаб канални оладиган антеннани ўрнатиб олиб тушунса тушунмаса у каналдан бу каналга олиб турли фасодларни томошаси билан ўз вақтида ухлаб ором олмаганимиз сабабли тонг пайтига борганда тош қаби қотиб ухлаб, тонг-сахар бомдод намозини жамоат билан адо этишга муваффақ бўла олмаяпмиз ёки бутунлай бомдод номози учун иссик ўрнимиздан тура олмай гафлат уйқусида ётмоқдамиз. Ҳа дўстлар бу кўпчилигимизнинг инкор этиб бўлмайдиган ҳолатимиздир. Аллоҳ Таоло хаммаларимизга инсофи тавфик это этсин! Тонг-сахар (субҳидам)даги Ўзининг ҳисобсиз неъматларидан бараманд айласин!»

Мавзу [Ислом Нури](#) веб саҳифасида нашр қилинган